



STAGES OF FORMATION OF THE SUSTAINABLE DEVELOPMENT CONCEPT AND GLOBAL TRANSFORMATION PROCESSES

Hasan Sobirov

*Independent researcher at Tashkent State Transport University
Tashkent, Uzbekiston*

ABOUT ARTICLE

Key words: sustainable development, environmental problems, global cooperation, UN, national strategy, transformation, Uzbekistan-2030.

Received: 13.01.26

Accepted: 14.01.26

Published: 15.01.26

Abstract: The article analyzes the history of the formation of the concept of sustainable development, its adoption at the global level and integration into national strategies. The ideological sources of the concept and the process of transformation of environmental consciousness that emerged in the second half of the 20th century into a paradigm of global cooperation are shown. The UN Sustainable Development Goals until 2030 are examined in the context of Uzbekistan's national strategic plans. The article substantiates the need to maintain a balance of economic, social and environmental aspects to achieve sustainable development.

БАРҚАРОР РИВОЖЛАНИШ КОНЦЕПЦИЯСИНИНГ ШАКЛЛАНИШ БОСҚИЧЛАРИ ВА ГЛОБАЛ ТРАНСФОРМАЦИЯ ЖАРАЁНЛАРИ

Ҳасан Собиров

*Тошкент давлат транспорт университети мустақил изланувчиси
Тошкент, Ўзбекистон*

МАҚОЛА ҲАҚИДА

Калит сўзлар: барқарор ривожланиш, экологик муаммолар, глобал ҳамкорлик, БМТ, миллий стратегия, трансформация, Ўзбекистон-2030.

Аннотация: Мақолада барқарор ривожланиш концепциясининг шаклланиш тарихи, унинг глобал даражада қабул қилиниши ҳамда миллий стратегияларга интеграциялашуви таҳлил қилинган. Концепциянинг ғоявий манбалари, XX аср иккинчи ярмида пайдо бўлган экологик онгнинг глобал ҳамкорлик парадигмасига айланиш жараёни кўрсатиб берилган. БМТнинг 2030 йилгача Барқарор

ривожланиш мақсадлари Ўзбекистоннинг миллий стратегик режалари контекстида ўрганилган. Мақолада барқарор ривожланишга эришиш учун иқтисодий, ижтимоий ва экологик жиҳатларнинг мувозанатини сақлаш зарурлиги асослаб берилган.

ЭТАПЫ ФОРМИРОВАНИЯ КОНЦЕПЦИИ УСТОЙЧИВОГО РАЗВИТИЯ И ПРОЦЕССЫ ГЛОБАЛЬНОЙ ТРАНСФОРМАЦИИ

Хасан Собиров

Независимый исследователь

Ташкентского государственного транспортного университета

Ташкент, Узбекистан

О СТАТЬЕ

Ключевые слова: устойчивое развитие, экологические проблемы, глобальное сотрудничество, ООН, национальная стратегия, трансформация, Узбекистан-2030.

Аннотация: В статье анализируется история формирования концепции устойчивого развития, ее принятие на глобальном уровне и интеграция в национальные стратегии. Показаны идейные источники концепции и процесс трансформации экологического сознания, возникшего во второй половине XX века, в парадигму глобального сотрудничества. Цели устойчивого развития ООН до 2030 года рассматриваются в контексте национальных стратегических планов Узбекистана. В статье обосновывается необходимость сохранения баланса экономических, социальных и экологических аспектов для достижения устойчивого развития.

Кириш. Замонавий цивилизация ривожланишининг кенг кўламли муаммолари – табиий ресурсларнинг чекланганлиги, экологик тизимларнинг бузилиши, ижтимоий тенгсизликларнинг кучайиши – инсониятни ривожланишнинг янги моделларини излашга мажбур этмоқда. Бундай шароитда барқарор ривожланиш концепцияси жаҳон ҳамжамиятининг келажакка эътибор воситаси сифатида пайдо бўлади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 2023 йил БМТ Бош Ассамблеясининг 78-сессиясида таъкидлаганидек, мамлакатимиз “Барқарор ривожланиш мақсадлари”га уйғун бўлган стратегияни амалга оширмоқда[1]. Бу эса барқарор ривожланиш концепциясининг миллий шароитга мослашуви ва унинг тарихий-генетик ўзига хос жиҳатларини англашни долзарб вазифа қилиб қўймоқда.

Мавзуга оид адабиётларнинг таҳлили (Literature review). Барқарор ривожланиш ғояси қадимги цивилизациялар маданиятида ўз аксини топган табиат ва жамият мувозанатига интилиш тамойилларидан келиб чиқади. Шу билан бирга, замонавий концепция бевосита саноат инқилоби натижаларини ва унинг экологик оқибатларини англаш билан боғлиқ.

XVIII–XIX асрларда Т. Малтус ва Д. Рикардо иқтисодий назариясида аҳоли ўсиши ва ресурслар чеклангалиги муаммоларини кўтариб чиқдилар. Уларнинг қарашлари чексиз иқтисодий ўсиш мақсадига дастлабки танқидий муносабатни ифодалади[2]. Бироқ бу фикрлар узоқ вақт ижтимоий-иқтисодий тафаккурдан ташқарида четида қолди.

XX аср бошларида В.И. Вернадский томонидан ишлаб чиқилган ноосфера концепцияси барқарор ривожланишнинг илмий-фалсафий пойдеворини яратди. Вернадский инсон ақли биосфера эволюциясининг геологик кучига айланиши ва бу жараёнда масъулиятнинг ошишини таъкидлади[3]. Олимнинг бу қарашлари табиат ва жамият ўртасидаги муносабатларни қайта англаш учун методологик асос бўлди.

Тадқиқот методологияси. Барқарор ривожланиш концепциясининг замонавий шаклланишига хизмат қилган асосий омил XX аср иккинчи ярмида экологик муаммоларнинг кескинлашуви бўлди. 1972 йилда Рим клуби томонидан нашр этилган “Ўсиш чегаралари” ҳисоботи жаҳон жамоатчилигини глобал мақсадларни қайта кўриб чиқишга мажбур этди. Ҳисобот кўрсатдики, инсониятнинг мавжуд истеъмол моделлари сайёрамизнинг ташувчанлик қобилияти билан зиддиятга киришади[4].

Рим клуби ҳисоботи компьютер моделлаштиришга асосланган биринчи тизимли огоҳлантириш бўлиб, у глобал муаммоларнинг ўзаро боғлиқлигини кўрсатди. Аҳоли ўсиши, саноатлашув, атмосферанинг ифлосланиши, озик-овқат ишлаб чиқариш ва табиий ресурсларнинг сарфланиши – буларнинг барчаси бир-бирига таъсир этувчи глобал тизимнинг қисмлари эканлиги исботланди.

1980 йилда Табиатни муҳофаза қилиш халқаро иттифоқи, БМТнинг Атроф-муҳит дастури ва Табиатни муҳофаза қилиш бўйича жаҳон жамғармаси биргаликда “Жаҳон табиатни муҳофаза қилиш стратегияси”ни эълон қилдилар. Ушбу ҳужжатда биринчи марта “барқарор ривожланиш” атамаси расмий равишда қўлланилди ва унинг мазмуни очиб берилди. Стратегия экологик барқарорликни иқтисодий ривожланиш билан бирлаштириш зарурлигини таъкидлади.

Таҳлил ва натижалар (Analysis and results). Барқарор ривожланиш концепциясини глобал сиёсий дискурсга олиб кириш 1987 йилда “Умумий келажагимиз” маърузасининг нашр қилиниши билан бошланди. Норвегиянинг шу вақтдаги Бош вазири Гру Харлем Брундтланд раҳбарлигидаги БМТнинг Атроф-муҳит ва ривожланиш бўйича халқаро комиссияси томонидан тайёрланган бу ҳужжат барқарор ривожланишга классик таъриф

берди: “Келажак авлодларнинг ўз эҳтиёжларини қондириш имкониятларини чекламасдан, ҳозирги авлод эҳтиёжларини қондириш” [5].

Бу таъриф қисқа, лекин чуқур фалсафий мазмунга эга. У вақт ўлчамида адолат масаласини кўтаради – яъни, ҳозирги ва келажак авлодлар ўртасидаги мувозанатни таъминлаш. Шунингдек, маърузада эҳтиёжлар тушунчаси иқтисодий ўсишнинг нафақат миқдор, балки сифат категорияси эканлиги алоҳида таъкидланади. Брундтланд комиссияси барқарор ривожланишни уч асосий йўналишда таҳлил қилди: иқтисодий ўсиш, ижтимоий тенглик ва экологик мувозанат. Бу уч йўналиш ўзаро боғлиқ ва бир-бирини тўлдирувчи категориялар деб эътироф этилди.

1992 йилда Бразилиянинг Рио-де-Жанейро шаҳрида БМТнинг Атроф-муҳит ва ривожланиш бўйича конференцияси ўтказилди. Бу тадбир “Ер саммити” номи билан машҳур бўлиб, унда 178 давлат иштирок этди. Конференция барқарор ривожланишни халқаро ҳуқуқнинг бир қисми сифатида расмийлаштирди.

Рио конференциясида бир қатор муҳим ҳужжатлар қабул қилинди: Рио декларацияси, “XXI аср кун тартиби”, Иқлим ўзгариши тўғрисидаги конвенция, Биологик хилма-хиллик тўғрисидаги Конвенция. “XXI аср кун тартиби” барқарор ривожланишни амалга ошириш учун кенг қамровли дастур бўлиб, у ижтимоий, иқтисодий ва экологик масалаларни қамраб олди[5].

Рио саммитининг энг муҳим ютуғи шундаки, у барқарор ривожланишни глобал консенсус мақоми даражасига кўтарди. Бу концепция энди нафақат экологлар ва файласуфларнинг муаммоси эмас, балки давлатлараро муносабатларнинг муҳим тамойилига айланди.

2015 йил 25 сентябрда БМТ Бош Ассамблеяси “Биз дунёни ўзгартирамиз: 2030 йилгача барқарор ривожланиш кун тартиби” номли тарихий ҳужжатни қабул қилди. Ушбу кун тартиби 17 та глобал мақсад ва 169 та аниқ вазифани белгилади[7].

2030 кун тартибининг ўзига хослиги шундаки, у универсал характерга эга – барча мамлакатлар учун бир хил даражада муҳим. Бундан олдинги “Минг йиллик ривожланиш мақсадлари” (2000–2015) асосан ривожланаётган мамлакатларга қаратилган эди. 2030 кун тартиби эса глобал характерга эга бўлиб, унда ривожланган мамлакатлар ҳам ўз вазифаларини бажаришлари керак.

Яна бир муҳим жиҳат – “ҳеч кимни ортда қолдирмаслик” принципи бўлиб, бу принцип инклюзив ривожланишни англатади, яъни жамиятнинг энг заиф қатламлари ҳам тараққиётдан баҳраманд бўлишлари зарур. Барқарор ривожланиш мақсадлари камбағалликни тугатиш, очарчиликни йўқотиш, соғлом турмуш, сифатли таълим, гендер тенглиги, тоза сув, арзон ва тоза энергия, муносиб иш, инновация, тенгсизликни

камайтириш, барқарор шаҳарлар, масъулиятли истеъмол, иқлим ҳаракатлари, денгиз ва қуруқликдаги ҳаёт, тинчлик ва адолат, ўзаро ҳамкорликни ўз ичига олади.

Ўзбекистон мустақилликка эришгандан кейин ўзининг ривожланиш моделини қуришга киришди. Мамлакат бозор иқтисодиётига босқичма-босқич ўтиш, ижтимоий барқарорликни сақлаш ва экологик муаммоларни ҳал қилиш йўллари танилади.

2018 йилда Ўзбекистон БМТнинг Барқарор ривожланиш мақсадларини миллий хусусиятларга мослаштириш бўйича “Йўл харитаси”ни қабул қилди. 2022 йил 21 февралда эса Вазирлар Маҳкамасининг 83-сон қарори билан 2030 йилгача бўлган даврда 16 та Миллий мақсад ва 126 та вазифа белгиланди. Бу мақсадлар БМТнинг глобал мақсадларига мос равишда тузилган, ўз навбатида, миллий хусусиятларни ҳам ҳисобга олади.

2023 йил 11 сентябрда қабул қилинган “Ўзбекистон-2030” стратегияси барқарор ривожланишнинг барча йўналишларини қамраб олувчи комплекс дастурдир. Стратегия бешта асосий йўналишни белгилайди: инсон капитали ва инклюзив ижтимоий муҳит, иқтисодий ўсиш ва рақобатбардошлик, давлат бошқаруви ва ҳуқуқий ислохотлар, экологик барқарорлик ва иқлим ўзгаришига мослашув, халқаро ҳамкорлик ва минтақавий интеграция.

Стратегиямизнинг ўзига хос жиҳати шундаки, у миллий қадриятлар – маҳалла институти, оилавий муносабатлар, ўзаро ёрдам аънавалари – билан замонавий барқарор ривожланиш тамойилларини уйғунлаштиради. Бу уйғунлик глобал мақсадларга эришишнинг миллий йўналишини белгилайди.

Хулоса ва таклифлар. Барқарор ривожланиш концепцияси узоқ тарихий эволюция натижасида шаклланиб, ҳозирги кунда глобал цивилизация тараққиётининг асоси бўлган умумэътироф этилган парадигмага айланган. Унинг ғоявий манбалари ва шаклланиш босқичлари ўрганилганда маълум бўладики, бу концепция инсониятнинг чексиз ўсиш иллюзиясидан воқеликка асосланган мувозанатли ривожланиш тушунчасига ўтишини ифодалайди.

Концепциянинг глобал қабул қилиниши – Рим клуби чақириқларидан Рио саммитигача, Брундтланд комиссиясидан 2030 кун тартибигача – бу жараён инсониятнинг ўз келажаги учун жамоа жавобгарлигини англаши зарурлигини кўрсатади. Ўзбекистоннинг барқарор ривожланиш мақсадларини миллий стратегияларига интеграциялаштириши глобал ва миллий манфаатларнинг уйғунлигини кўрсатувчи асосий жиҳатдир.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Мирзиёев Ш.М. БМТ Бош Ассамблеясининг 78-сессиясидаги нутқи. – Нью-Йорк, 2023 йил 20 сентябрь. <https://president.uz/uz/lists/view/5677>

2. Мэлтус Т. Опыт о законе народонаселения / Пер. с англ. И.А. Вернера. – М.: Директмедиа Паблишинг, 2008. – 465 с.
3. Вернадский В.И. Биосфера и ноосфера. – М.: Наука, 1989. – 261 с.
4. Meadows D.H., Meadows D.L., Randers J., Behrens W.W. The Limits to Growth. – New York: Universe Books, 1972. – 205 p.
5. Brundtland G.H. Our Common Future: Report of the World Commission on Environment and Development. – Oxford: Oxford University Press, 1987. – 400 p.
6. United Nations Conference on Environment & Development. Agenda 21, Rio Declaration, Forest Principles. – Rio de Janeiro, 1992.
7. Transforming our world: the 2030 Agenda for Sustainable Development. Resolution adopted by the UN General Assembly on 25 September 2015. A/RES/70/1.